



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

2020 йил “29” май

№112-мх

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ва техник тусдаги кўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал микдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 майдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартағи 156-сон “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ва техник тусдаги кўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал микдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун хужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжатни “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шаҳри



Р. Давлетов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3235
2020 yil 29 may

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2020 йил 29 майдаги
112-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги
қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг
МАКСИМАЛ МИҚДОРЛАРИ**

| T/p | Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар номи | Ҳақ миқдори* (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан) |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| 1-боб. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш учун | | |
| 1. | Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаш | 10% |
| 2. | Гаров (ипотека) ва лизинг шартномаларини тасдиқлаш | 20% (жисмоний шахслар учун) 50% (тарафлардан бири юридик шахс бўлса) |
| 3. | Мерос иши | 10% |
| 4. | Далилларни таъминлаш | 20% |
| 5. | 1–4-бандларда назарда тутилмаган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш | 5% |
| 2-боб. Нотариал тасдиқланадиган хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун | | |
| 6. | Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари | 20% |
| 7. | Гаров (ипотека) ва лизинг шартномалари | 30% (жисмоний шахслар учун) 100% (тарафлардан бири юридик шахс бўлса) |
| 8. | Мулк ижара шартномалари | 20% (жисмоний шахслар учун) 50% (тарафлардан бири юридик шахс бўлса) |
| 9. | Профессионал медиатор сифатида тасдиқланадиган медиатив келишувлар | 50% |
| 10. | Ишончномалар | 10% |



| | | |
|---------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|
| 11. | 6–10-бандларда назарда тутилмаган бошқа битимлар | 15% |
| 12. | Меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳномалар | 20% |
| 13. | Далилларни таъминлаш бўйича хужжатлар | 100% |
| 14. | 12 ва 13-бандларда назарда тутилмаган бошқа нотариал ҳаракатлар бўйича хужжатлар | 5% |
| 3-боб. Техник тусдаги ҳаракатлар амалга оширилиши учун | | |
| 15. | “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали маълумот чоп этиш ёки техник воситалар ёрдамида хужжатлардан нусхалар кўчириш (ҳар бир бет учун) | 0,5% |
| 16. | Хужжатлардан кўчирмалар тайёрлаш (ҳар бир бет учун) | 2% |
| 4-боб. Бошқа кўшимча ҳаракатлар амалга оширилиши учун | | |
| 17. | Апостиль қўйиш ва (ёки) хужжатларни легаллаштириш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш | 20% |
| 18. | “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўчмас мулк ёки автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлигини текшириш ёки бу ҳақда маълумотнома бериш (ҳар битта мулк учун)** | 15% (жисмоний шахслар учун) 25% (тарафлардан бири юридик шахс бўлса) |
| 19. | “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали соликлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш учун электрон ариза тўлдириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек ижро хужжатлари бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш (ҳар битта мулк учун) | 10% |
| 20. | Хужжатларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш (ҳар бир бет учун) | 15% |
| 21. | Умумий улушли мулк иштирокчисини имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга эканлиги ҳақида хабардор қилиш | 20% |
| 22. | Нотариал ҳаракатни масофадан туриб расмийлаштиришда видеоконференцалоқа хизматини кўрсатиш | 20% |
| 23. | Нотариал ҳаракатни нотариал идора биносидан ташқарида амалга ошириш (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Конуни 11-моддасида давлат божи тўлашдан озод этилган нотариал ҳаракатлар бўйича белгиланган ҳақ микдорининг 50 фоизи ундирилади) | 50% |
| 24. | Нотариал ҳаракатни амалга оширишда бошқа ташкилотлардан маълумотлар олиш учун сўровномалар ёзиш (электрон шаклда ёзилган сўровномалар бундан мустасно) | 5% |
| 25. | Хужжатларни саклаш (ҳар 250 варакгача бўлган хужжатлар учун бир суткагача) | 0,5% |

DAVLAT
‘УХАТИ
TKAZIL
• O * 19

| | | |
|-----|-------------------------------------------------------------------------|-----|
| 26. | Пул суммалари ёки қимматли қоғозларни депозитда сақлаш (бир суткага) | 1% |
| 27. | Нотариал ҳаракатлар доирасида курьерлик хизмати кўрсатиш | 10% |

*Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларида (бундан буён матнда ҳақ миқдорлари деб юритилади) белгиланган ҳақ миқдоридан ортиқ ундирилишига йўл қўйилмайди. Бунда тўловлар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан белгиланганидан кам миқдорда ундирилиши мумкин.

Нотариус томонидан мурожаат этувчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига нотариус томонидан асосан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда нотариал тартибда тасдиқланадиган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий ҳамда техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилиши тушунтирилиши шарт.

Битта нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мазкур ҳақ миқдорларининг 1-бобида назарда тутилган ҳуқуқий тушунтиришлардан бири бир неча маротаба берилганда улар учун битта ҳуқуқий тушунтириш учун назарда тутилган ҳақ миқдорида тўлов ундирилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги идоравий нотариал архивлар “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўчмас мулк ёки автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлигини текшириш ёки бу ҳақда маълумотнома бериш юзасидан электрон маълумотлар банкини юритиш бўйича базавий идоравий хисобланганлиги сабабли, мазкур ҳақ миқдорларининг 18-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорларининг 50 фоизи адлия органларининг бюджетдан ташқари давлат божи йиғиладиган шахсий газна ҳисобваракларига йўналтирилади, шунингдек келгусида идоравий нотариал архивларни молиялаштириш ҳамда адлия органларини ривожлантириш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда сарфланади.

Мазкур Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси**

Н. Шарипов

2020 йил 29 май

